

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан  
2024 йил 1 чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳаси иқтисодийнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Республика ҳудудларида қурилиш ишлари кўлами йил сайин ортиб бормоқда.

Жумладан, республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилда **88 трлн. сўмни**, 2021 йилда **108 трлн. сўмни**, 2022 йилда **131 трлн. сўмни**, 2023 йилда **139 трлн. сўмни** ва 2024 йилнинг 1 чорагида **32 трлн. сўмни** (2023 йилнинг 1 чорагига нисбатан 118% ўсиш) ташкил этган.

**Сўнгги йилларда** қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича **28 та** Президент ҳужжатлари ва **25 та** Ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

**Бундан ташқари**, “Шаҳарсозлик кодекси” янги таҳрирда қабул қилинди.

**Шунингдек**, 2021-2025 йилларда қурилиш тармоғини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича стратегия ва йўл харитаси тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар ва ислоҳотлар амалга оширилди ҳамда бу борада муайян натижаларга эришилди.

**Биринчидан**, 2024 йилнинг 1 чорагида жами **33 та**, шундан **1 та** шаҳар, **10 та** шаҳарчаларнинг бош режалари ва **22 та** қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши йиғилиш муҳокамасига киритилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёнлари билан тасдиқланди.

**Иккинчидан**, 2024 йилнинг 1 чорагида манзилли рўйхатга асосан қуйидаги техник-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган:

- **9 та** шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларга Адлия вазирлигидан экспертиза хулоса олинган;
- **4 та** Адлия вазирлигидан хулоса олиш учун киритилган;
- **13 та** идоравий келишувга киритилди;
- **3 та** Адлия вазирлигидан қайтарилган норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилмоқда.

**Учинчидан,** иш турлари, курилиш материаллари, машина ва механизмлари кўрсаткичларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи “Курилиш ресурслари миллий класификатори” ишлаб чиқилди.

Мазкур классификатор **187 мингдан ортиқ** номдаги ресурслардан (курилиш материаллари, техникалар, иш турлари ва бошқа) иборат бўлиб, **42 та** боб, қисм, бўлим ва гуруҳлар кесимида таснифланган.

Классификатордаги ҳар бир ресурс ўзининг уникал кодига эга бўлиб, ИФУТ (ОКЭД) ва ТИФ ТН (ТН ВЭД) билан уйғунлаштирилган ҳамда ҳар бир маҳсулот ва хизматларнинг стандартлари кўрсатиб ўтилган.

**Тўртинчидан,** 2024 йилнинг 1 чорагида Ижтимоий ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш (ПҚ-404) дастури доирасида 100% ижтимоий соҳа объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертизага тақдим этилди;

“Ташаббусли бюджет” дастури доирасида **3 865 та** объектлардан **2 983 тасининг** лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертиза кўригига тақдим этилди;

2024 йил учун Ижтимоий ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш дастурига киритилиши белгиланган **840 та** янгидан бошланувчи объектлардан барчасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертиза кўригига тақдим этилди.

Ҳозирда, 2024 йил дастури асосида тасдиқланган (330 ва 1680 ўринли умумтаълим мактаблар, 180 ўринли мактабгача таълим муассасаси, спорт майдончалари, 100 ўринли шифохона бинолари) намунавий лойиҳаларини БИМ технологияси асосида ишлар олиб борилмоқда.

2024 йилнинг 1 чорагида **8 та** ижтимоий соҳа объектларнинг объектларнинг намунавий лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ташкил этилиб тасдиқланди.

**Бешинчидан,** Курилиш соҳасида лицензиялаштириш ва аккредитациялаш бўлими томонидан 2024 йилнинг 1 чорагида жами **217 та** (4 хил йўналиш бўйича) лицензия ва **9 та** аккредитация гувоҳномалари берилган.

**Олтинчидан,** 2024 йил 1 чорак мобайнида вазирликнинг ҳудудий бошқарма (бўлим)лари томонидан жами “my.gov.uz” ахборот тизими орқали **82 987 та** объект бўйича давлат хизматлари кўрсатилган. Жумладан:

бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш – **274 та**;

бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта куриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида кўшимча бино ва иншоотларни куришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш — **19 481 та**;

архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш — **10 153 та**;

лойиха-смета ҳужжатларини келишиш 300 куб.м. дан катта — **10 542 та**;  
лойиха-смета ҳужжатларини келишиш 300 куб. м. дан кичик — **41 426 та**;  
кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида  
маълумотнома бериш – **1 068 та**.

кўчмас мулк чегараларини бирлаштириш бўйича хулоса бериш – **43 та**.

**Еттинчидан**, “Шаффоф қурилиш” порталининг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 2024 йилнинг 1 чорагида **1,46 мингта** объектларга лойиха ва пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича онлайн электрон тендер савдолари ўтказилган.

**Саккизинчидан**, “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 2024 йилнинг 1 чорагида **2,8 мингдан ортиқ** объект лойихасини экспертизадан ўтказилди. Натижада, **1,2 трлн. сўм** маблағ лойихаларнинг смета қисмидан иқтисод қилинди.

Шунингдек, 2024 йил 1 чорагида Инвестиция дастурига киритилган ижтимоий соҳа (мактаб, МТТ ҳамда ижод мактаблари) объектлари лойиха ҳужжатларининг **732 таси** лойиха ташкилотлари томонидан қайтадан ишлаб чиқилди ва экспертиза кўригига тақдим этилди. Шундан, **211 тасига** йиғма-эксперт хулосалари тақдим этилди.

**Тўққизинчидан**, “Рейтинг электрон платформаси” ахборот тизимида қурилиш пудрат ва лойиха ташкилотлари томонидан тендер савдоларида иштирок этиши учун уларни рейтинглари тегишли давлат органларининг ахборот тизимдлари билан интеграция қилиш орқали қурилиш пудрат ва лойиха ташкилотларини маълумотлари асосида рейтингни шакллантирилди. Жумладан 2024 йилнинг 1 чорагида мазкур платформадаги ташкилотлар сони 25 мингдан ортиқ:

- қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинг тизимида жами **22,9 мингдан ортиқ** қурилиш-пудрат ташкилотлари киритилган.

- лойиха ташкилотлари рейтинг тизимида жами **2,1 мингдан ортиқ** лойиха ташкилотлари киритилган.

**Ўнинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Манзилли рўйхатига кўра республика бўйича жами **90 923 та** хонадондан иборат **2012 та** уйлар қуриш белгиланган.

Ҳисобот даврида мазкур уйларнинг **63 363 та** квартирадан иборат **1 417 таси** (70 %) фойдаланишга топширилди. Шундан:

«Янги Ўзбекистон» массивларида **10 392 та** квартирали **357 та** уй-жой;

Тадбиркорлар томонидан **52 971 та** квартирали **1 060 та** уй-жойларни ташкил қилади.

Худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак бу кўрсаткич қуйидагича:

Қорақалпоғистон Р. – **41 та** (33 %), Тошкент ш. – **165 та** (72 %), Тошкент в. – **78 та** (68 %), Андижон – **126 та** (58 %), Бухоро – **80 та** (91 %), Жиззах – **63 та** (75 %), Қашқадарё – **118 та** (70 %), Навоий – **39 та** (88 %), Наманган – **72 та** (93 %), Самарқанд – **160 та** (78 %), Сурхондарё – **95 та** (38 %), Сирдарё – **27 та** (40 %), Фарғона – **213 та** (86 %), Хоразм – **140 та** (97 %).

Бугунги кунда 1 чоракда **6 432 та** хонадонли уйлар фойдаланишга топширилиб режага нисбатан **129 %** бажарилди.

Ўн биринчидан, қурилиш-монтаж ишлари устидан давлат назорати соҳасида 2024 йилнинг 1 чорагида худудий назорат инспекциялари томонидан жами **28 122 та** қурилиш объектлари (Давлат дастурлари бўйича - 9 235 та, тадбиркорлик объектлари - 18 887 та) қурилиш-монтаж ишлари назоратга олинган ва **25 230 таси** рўйхатдан ўтган.

Мазкур объектларда жами **49 500 мартаба** назорат ишлари амалга оширилди.

Худудий инспекциялар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган жами **28 176 та** (пудратчига – 8 630 та, буюртмачига – 11 577 та, лойиҳа ташкилотларига – 7 969 та) ёзма кўрсатмалар берилди. Шундан, жами **15 298 таси** (4 273 та пудратчи, 7 013 та буюртмачи ва 4 012 та лойиҳа ташкилотлари томонидан) ёзма кўрсатмалар бартараф этилган.

Буюртмачилар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича жами **4 171 та** (лойиҳа – 796 та, пудратчи ташкилотларига - 3 375 та) ёзма кўрсатмалар берилди. Берилган ёзма кўрсатмалардан жами **2 214 таси** ёзма кўрсатмалар (лойиҳа – 428 та, пудратчи ташкилотлари томонидан – 1 786 та) бартараф этилган.

Лойиҳачилар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича жами 820 та пудратчи ташкилотларига ёзма кўрсатмалар берилган бўлиб, **603 таси** бартараф этилган.

Худудий инспекциялар томонидан берилган ёзма кўрсатмалар белгиланган муддатларда ижроси таъминланмаганлиги сабабли “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 99-моддаси бўйича жами **2 942 та** (пудратчи - 876 та, буюртмачи – 1 666 та, лойиҳа ташкилотлари – 400 та) мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий хужжатлар тўплами тайёрланиб, тегишлилиги бўйича маъмурий чоралар қўлланилди.

Қурилиш-монтаж ишларини тўхтатишлар **620 тани** ташкил этди. Шу билан бирга қурилиш нормаларга риоя қилмаган ҳолатда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилганлиги сабабли **226 тасида** буздириш ишлари олиб борилди.

Курилиш уй-жой коммунал хўжалиги инспекциясининг ҳудудий назорат инспекциялари томонидан киритилган тақдимномалар:

- қурилиш иштирокчилар томонидан муаллифлик ва техник назоратини бўзганлиги учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш бўйича жами **299 та** ҳолат (пудратчига – 62 та, буюртмачига – 108 та, лойиҳа ташкилотларига – 129 та);

- қурилиш объектларида сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар фойдаланганлиги учун тегишли орган ва ташкилотларга **199 та** ҳолат (вазирлик ва идорага – **24 та**, сертификатлаштириш органларига - 68 та, ишлаб чиқарувчига – 107 та) юзасидан тақдимномалар киритилди.

Бугунги кунда **25 230 та** рўйхатдан ўтган объектларидан **2 689 таси** (10,6%) қурилиш-монтаж ишларини яқунланиб фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул қилиш комиссиясининг далолатномалари расмийлаштирилди.

Ўн иккинчидан, 2024 йилнинг 1 чорагида режалаштирилган қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида малака даражасига мос равишда касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича **9 та** касб ва мутахассисликларнинг касбий стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилди.

Шаҳарсозлик соҳасидаги мутахассисларнинг фаолият йўналишлари бўйича ҳар уч йилда бир марта сертификатлаш тизими жорий этилди. Сертификатлаш ишларини амалга ошириш бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида **Компетенцияни ривожлантириш институтида 801 нафар** мутахассислар ўқув машғулотларига жалб этилди.

Ўн учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-404-сон қарорига асосан 2024 йилнинг 1 чорагида **18,2 .сўм** миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилиб, **46,7 млрд.сўм** миқдоридаги маблағлар молиялаштирилди.

Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан **5,3 км** иссиқлик тармоқлари, **1 та** қозонхоналарни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъул бўлган лойиҳалар бўйича 2024 йилнинг 1 чорагида **36,3 млн.доллар** миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди. Жумладан лойиҳалар кесимида:

Жаҳон банки иштирокидаги “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида 2024 йилда 1 чоракда **7,5 млн.доллар** миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди.

Лойиҳанинг техник-иктисодий асосларига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 декабрдаги 677/16-сон қарорига мувофиқ уйларнинг ички тизимини тиклаш пакети бўйича тендер ҳужжатлари лойиҳа консултант томонидан ишлаб чиқилмоқда.

“Олимпия шаҳарчасини барпо этиш” лойиҳасини амалга ошириш натижасида 2024 йил 1 чорагида **28,8 млн.доллар** миқдоридagi маблағлар ўзлаштирилди. Амалда лойиҳа доирасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўн тўртинчидан, Тупроққала туманидаги “Муҳаббат” қозонхонасида қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Натижада, **788 та** хонадонли **20 та** кўп қаватли уйлар иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Бугунги кунда **12 та** объектда қозонхона бутловчи қисмлари олиб келиниб, **32 км** иссиқлик тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш ишлари якунланди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида **4 та 125 МВт** қувватга эга янги қозонлар ва **160 та** индивидуал иссиқлик пунктлари келтириб ўрнатилди, **10 км** иссиқлик тармоқлари янгиланди.

Хусусан, Андижон шаҳридаги **6 мингдан** ортиқ хонадонли **145 та** кўп қаватли уйлар ва **6 та** ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик энергияси билан таъминланди.

“Янги Ўзбекистон” массивларини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида **38 та** объектларда **76 та** иситиш қозонларини ўрнатиш ва **82,2 км** иссиқлик тармоқларини қуриш ишлари амалга оширилди.

Ўн бешинчидан, 2024 йил давомида республикадаги бошқарув ташкилотларининг **126,6 млрд.сўм** маблағлари ҳисобидан **5 493 та** кўп квартирали уйни таъмирлаш бўйича Манзилли дастур тасдиқланди ҳамда жорий йилнинг 1 чорагида **661 та** кўп квартирали уйларда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шундан, **508 та** кириш йўлаклари, **133 та** уйнинг ертўла ва уй ички муҳандислик-коммуникациялари, **461 та** электр тақсимловчи шитлар таъмирланиб, **478 та** кодли қулфли темир эшиқлар ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 376-сон қарори билан **528 та** лифт ускуналари янгилаш бўйича манзилли дастур тасдиқланди. Бугунги кунда лифт ускуналарни янгилаш бўйича танланган лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 ноябрдаги 602-сон қарорига асосан республикада **370 та** бошқарув органларида диспетчерлик хизматлари ташкил қилинди.

Республиканинг барча ҳудудларида кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ҳузурида лифтларни мониторинг қилиш бўйича диспетчерлик хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш ҳамда “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро платформасини ишлаб чиқиш бўйича шахсий техник топшириқ ва бизнес режалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар таклифларига асосан масъуллар томонидан платформа яратилмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Кўп квартирали уйларда умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун мажбурий бадаллар ёки тўловларнинг энг кам миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи тасдиқланди ва Адлия вазирлиги томонидан 3501-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Кўп квартирали уйлар бошқарувчи бошқарув органларининг реестрдан ўтказиш жараёнида ортикча сарсонгарчиликлар ҳамда бюрократияни олдини олиш мақсадида бошқарув органларининг элестрон реестри ([reestr.kommunal.uz](http://reestr.kommunal.uz)) платформаси 2024 йилда ишга туширилиб, реестрдан рўйхатдан ўтиш тўлик рақамлаштирилди.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан  
2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Республика ҳудудларида қурилиш ишлари кўлами йил сайин ортиб бормокда.

Жумладан, республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми **2020 йилда 88 трлн. сўми, 2021 йилда 108 трлн. сўми** ва **2022 йилда 131 трлн. сўми** ҳамда 2023 йилнинг 11 ойида **133 трлн. сўми** ташкил этган.

**Сўнгги йилларда** қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича **27 та Президент ҳужжатлари ва 24 та Ҳукумат қарорлари** қабул қилинган.

**Бундан ташқари, “Шаҳарсозлик кодекси”** янги таҳрирда қабул қилинди.

**Шунингдек, 2021-2025 йилларда** қурилиш тармоғини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича **стратегия ва йўл харитаси** тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатлар доирасида катор чора-тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилди ҳамда бу борада муайян натижаларга эришилди.

**Биринчидан,** 2023 йилда **146 та** шаҳарсозлик ҳужжатлари (*шаҳарларнинг бош режалари – 9 та, шаҳарчаларнинг бош режалари – 43 та, қишлоқ аҳоли пунктлари схемалари – 94 та*) ишлаб чиқилиши белгиланган бўлиб, амалда бош режанинг **16 таси**, қишлоқ (овул)лар аҳоли пунктларининг **49 таси** якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сон қарорига мувофиқ мазкур ишлар учун Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 150,0 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган эди.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 августдаги 71-сон ва 2023 йил 15 сентябрдаги 87-сон Раёсат мажлиси баёнларига мувофиқ ушбу маблағлар қайта тақсимланиб, бошқа объектлар учун йўналтирилганлиги сабабли, Дастурга киритилган лойиҳаларга келгуси йил якунига етказиш кўзда тутилмокда.

Шу муносабат билан, Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг 2023 йил 1 декабрдаги 3-сон баёни билан мазкур шаҳарсозлик ҳужжатларини якунлаш муддатлари узайтирилди.

**Иккинчидан,** 2023 йилда манзилли рўйхатга асосан қуйидаги техник-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган:

- **15 та** шаҳарсозлик нормалари ва коидалари;
- **34 та** стандартлар;
- **27 та** қурилиш регламентлари;
- **10 та** “Смета-ресурс” нормалари.



Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунига асосан 2023 йилда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги **47 та** фаолият кодига оид “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги” стандартлаштириш бўйича техник қўмита фаолияти йўлга қўйилди (2 та янги миллий стандарт ҳамда 49 та амалдаги стандартнинг муддатини узайтириш бўйича йиғилиш ўтказилди).

Комплекс синов лабораторияси O‘z DSt ISO/IEC 17025:2019 стандарти талаблари асосида 21 турдаги қурилиш материаллари ва буюмларининг 200 дан ортиқ сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича аккредитациядан ўтказилди.

**Учинчидан**, Шаффоф қурилиш” тизими орқали 27 мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди.

Ҳар бир ҳудудда “ВІМ” технологиялари асосида моделлаштириш усулида ишлаб чиқилган 5 тадан объектларнинг ҳужжатларига экспертиза хулосалари тақдим этилди.

**Тўртинчидан**, “Шаффоф қурилиш” порталининг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 28,2 мингта объектларга лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича онлайн электрон тендер савдолари ўтказилган.

**Бешинчидан**, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда “**ҳажм**” **услубидан** фойдаланиш амалиёти жорий қилинмоқда.

Бунда, хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишда амалга оширилган ишлари, тадбиқ этилган меъёрий ҳужжатлари, янги технологиялари ва ҳажм услубини қўллаш натижасида эришилган ютуқлари ўрганиб чиқилди.

**Эксперимент тариқасида**, 2024 йил дастурига киритилган айрим ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида “**ҳажм**” **услуби қўллаш режалаштирилган** ҳамда ушбу усулларни жорий қилиш бўйича тегишли норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган. Мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тайёрланмоқда.

**Олтинчидан**, иш турлари, қурилиш материаллари, машина ва механизмлари кўрсаткичларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи “**Қурилиш ресурслари миллий класификатори**” ишлаб чиқилди.

Мазкур класификатор **187 мингдан ортиқ** номдаги **ресурслардан** (қурилиш материаллари, техникалар, иш турлари ва бошқа) иборат бўлиб, **42 та боб, қисм, бўлим ва гуруҳлар кесимида таснифланган**.

Класификатордаги ҳар бир ресурс ўзининг уникал кодига эга бўлиб, ИФУТ (ОКЭД) ва ТИФ ТН (ТН ВЭД) билан уйғунлаштирилган ҳамда ҳар бир маҳсулот ва хизматларнинг стандартлари кўрсатиб ўтилган.

**Еттинчидан**, объектларда назорат ўрнатиш бўйича “**Қурилиш назорати**” **ахборот тизими** жорий қилинди ва назорат жараёнларини автоматлаштирилди.

**Жумладан**, **2023 йилда** ушбу тизим орқали **12,2 мингдан ортиқ** объект назоратга олинди.

**Хусусан**, ушбу тизим ёрдамида Инспекция томонидан **172 мингдан зиёд** мониторинг ўтказилди.

**Саккизинчидан**, соҳада бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва қуйидаги электрон онлайн платформалари ишга туширилган:

- “Давлат хизматлари” ахборот тизими;
- “Рейтинг электрон платформаси”;
- “Тендер электрон платформаси”;
- “Қурилиш сифати назорати”;
- “Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси”;
- Мақсадли дастурлар мониторинг тизими;
- “Огоҳ фуқаро” платформаси;
- “Геопортал”;
- “Қурилиш материаллари классификатори”;
- “Менинг уйим” автоматлаштирилган биллинг ахборот тизими.

**Тўққизинчидан**, қурилиш соҳасида давлат хизматлари рақамлаштирилди, шундан:

- объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома бериш;
- архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш (300 кубдан кичик);
- яқка тартибдаги уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш;
- кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида маълумотнома бериш;
- бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш.

**Ўнинчидан**, “Рейтинг электрон платформаси” ахборот тизими ишлаб чиқилди.

**Унга кўра**, қурилиш пудрат ва лойиҳа ташкилотлари томонидан тендер савдоларида иштирок этиши учун уларни рейтинглари тегишли давлат органларининг ахборот тизимдлари билан интеграция қилиш орқали қурилиш пудрат ва лойиҳа ташкилотларини маълумотлари асосида рейтинги шакллантирилди. Жумладан:

қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги тизимига жами **22 мингдан** ортиқ қурилиш-пудрат ташкилотлари киритилган.

лойиҳа ташкилотлари рейтинги тизимига жами **2 мингдан** ортиқ лойиҳа ташкилотлари киритилган.

**Ўн биринчидан,** “Шаффоф қурилиш” порталнинг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 28,2 мингта объектларга лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича ўтказилган онлайн электрон тендер савдолари натижасида 1,8 трлн. сўм маблағ иқтисод қилинди.

**Ўн иккинчидан,** 2023 йил Ижтимоий ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш (ПҚ-465) дастури доирасида 100% ижтимоий соҳа объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертизага тақдим этилди;

“Ташаббусли бюджет” дастури доирасида **3 652 та** объектлардан **2 892 та** сининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертиза кўригига тақдим этилди;

2024 йил учун Ижтимоий ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш дастурига киритилиши белгиланган (ВМ-83 Раёсат) **840 та** янгидан бошланувчи объектлардан **825 та** сининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертиза кўригига тақдим этилди.

Ҳозирда, 2024 йил дастури асосида тасдиқланган (330 ва 1680 ўринли умумтаълим мактаблар, 180 ўринли мактабгача таълим муассасаси, спорт майдончалари, 100 ўринли шифохона бинолари) намунавий лойиҳаларини BIM технологияси асосида ишлар олиб борилмоқда.

Давлат бюджети, Халқаро молия институтларининг тўғридан-тўғри молиялаштириладиган маблағлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган **81 та** объектларни қуришни лойиҳалаштириш топшириқлари шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларига риоя этилиши юзасидан кўриб чиқилиб келишиб берилди.

2023 йилда **16 та** объектларнинг намунавий лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ташкил этилиб тасдиқланди.

**Ўн учинчидан,** Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш ва аккредитациялаш бўлими томонидан 2023 йилда жами бўлиб **949 та** (4 хил йўналиш бўйича) лицензия ва **25 та** аккредитация гувоҳномалари берилган.

**Ўн тўртинчи,** 2023 йилда режалаштирилган қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида малака даражасига мос равишда касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича **28 та** касб ва мутахассисликларнинг касбий стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилди.

Шаҳарсозлик соҳасидаги мутахассисларнинг фаолият йўналишлари бўйича ҳар уч йилда бир марта сертификатлаш тизими жорий этилди. Сертификатлаш ишларини амалга ошириш бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида **Компетенцияни ривожлантириш институти** ташкил этилди. Институтда 2023 йил октябрдан бошлаб қуйидаги мутахассисларнинг билим ва малакаларини ошириш ҳамда уларни сертификатлаш мақсадида ўқув машғулоти ташкил этилди:

техник назоратни олиб борувчи мутахассислар;

лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб борувчи, шунингдек, лойиҳа бош муҳандислари ва бош архитекторлари;

пудрат ташкилотларининг ички назоратини амалга оширувчи мутахассислар.

Мазкур сертификатлаштириш жараёни Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги **460-сон қарори** асосида амалга оширилмоқда.

Курс якунида Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган мутахассисларга сертификат берилади.

**Ўн бешинчи. ПҚ-57-сон қарорга** асосан 2023 йилда **250 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни** (цемент – 23 та, ғишт – 101 та, оҳак – 126 та) **кўмир ёқилғисига** ўтказиш белгиланган.

Бугунги кунда жами **113 та корхона** (цемент – 7 та, ғишт – 71 та, оҳак – 35 та) **табiiй газдан кўмир ёқилғисига ўтказилган.**

**105 та** корхона фаолиятини тўхтатган ва фаолият турини ўзгартирган ҳамда **8 та** корхона (ғишт – 6 та, оҳак – 2 та) кўмир ёқилғисига ўтишни рад этган.

**Ўн олтинчи.** 2023 йил Давлат дастури доирасида 12 та қозонхона ва 20 км иссиқлик тармоқларида қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Бунда, 3 та қозонхона ва 5 км иссиқлик тармоқларини янгидан қуриш, 9 та қозонхона ва 15 км иссиқлик тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари амалга ошириш назарда тутилган.

Ушбу 12 та объектдан 4 тасининг (Бухоро шаҳридаги 3 та, Гулистон шаҳридаги 1 та қозонхоналар ҳамда 20 кмга яқин иссиқлик тармоқларида) қуриш ва монтаж ишлари якунланди. Натижада 1 400 та хонадондан иборат 36 та кўп қаватли уйлар ва 5 та ижтимоий соҳа объектилари иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Қолган 8 та объектдан 7 таси 2024 йилда, 1 таси 2024-2025-йиллар давомида Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 2023 йил 11 сентябрдаги 83/86-сон баёни 9-иловасига асосан амалга оширилиши белгиланди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойихаси доирасида 8 та 225 МВт қувватга эга янги қозонлар келтириб ўрнатилди, 30 км иссиқлик тармоқлари янгиланди ва 572 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди.

Хусусан, Чирчиқ шаҳридаги 10 мингдан ортиқ хонадондан иборат 170 та кўп қаватли уйлар ва 8 та ижтимоий соҳа объектилари иссиқлик энергияси билан таъминланди.

“Янги Ўзбекистон” массивларини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида 28 та объектларда 76 та иситиш қозонларини ўрнатиш ва 72 км иссиқлик тармоқларини қуриш ишлари амалга оширилди.

Натижада 100 мингдан ортиқ хонадонлардан иборат 460 та кўп қаватли уйларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш кўзда тутилган.

Мисол учун соҳада илк мартта қуввати 21 МВт бўлган кўмир ёқилғисида ишловчи қозонхона ва 18 км иссиқлик тармоқлари қуриб фойдаланишга

топширилди. Натижада “Янги Андижон” массивидаги 5 460 та хонадонли 78 та кўп қаватли уйлар иссиқлик энергияси билан таъминланди.

**Ўн еттинчидан**, 2023 йилда республика аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси **74,4 фоиздан 77,2 фоизга** етказилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жами, 145 та маҳаллалардаги 1,1 миллион нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 1 997 та маҳаллалардаги 2,5 миллион нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти тубдан яхшиланди.

2030 йилга қадар барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан, жами, 545 мингдан зиёд ичимлик суви тармоқлари, 3 мингга яқин сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича дастурни ишлаб чиқилди.

Барча дастурлар доирасида жорий йил 1 декабрь ҳолатига 2632 та объектда 10 999,1 км ичимлик ва 565,6 км оқова сув тармоқлари тортилиб, 1 658 та ичимлик ҳамда 55 та оқова сув иншоотлари қурилди.

**Ўн саккизинчидан**, 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида республикадаги 5 684 та таъмирталаб кўп қаватли уйлар таъмирланди.

Шундан, 2 062 та уйларнинг 948 минг метр кв том қисми, 4 906 та кириш йўлақлари, 1 651 та уйнинг ертўла ва уй ички муҳандислик-коммуникациялари, 1 254 та уйнинг фасад қисми, 2 798 та электр тақсимловчи шитлар таъмирланиб, 1 713 та кодли қулфлар темир эшиклар ҳамда 5 846 кв.м фрамуга ойна ромлар ўрнатилди.

Тошкент шаҳрида коммунал соҳа билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш мақсадида 1 642 та уйнинг ички тизимларида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

“Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг 2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатининг 28-банди ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-278-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5152-сон қарори 2-иловасига асосан 645 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини жорий ва мукамал таъмирлаш, 2 042 та кириш йўлақлари, 628 та уйларнинг фасад қисми, 275 та уйларнинг ички муҳандислик, 393 та уйларнинг ертўла қисми ҳамда 1 162 дона электр тақсимловчи шитлар таъмирланиб, 1 191 та кодли қулфладиган темир эшиклар ўрнатилди.

Қарорнинг 3-иловасига асосан, кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида 350 та болалар майдончаси қурилиб, 155 таси таъмирланди, 170 та умумфойдаланишдаги ҳожатхоналар, 33 минг п/м узунликда ирригация тармоқлари қурилди. 3 309 та ташки ёритиш мосламалари ўрнатилиб, 239 минг метр кв йўлақлар бетонланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 376-сон қарори билан 329 та лифт ускуналари янгиланди.

2023 йилнинг январ ҳолатига республикада 40 854 та кўп квартирали уйларнинг 36 368 тасига (90 %) 787 та бошқарув ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатилган бўлса, 2023 йил декабрь ҳолатига республикадаги 40 854 та кўп квартирали уйларнинг 38 416 тасига (94 %) 795 та бошқарув ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатилишига эришилди. Яъни 8 т янги бошқарув ташкилотлари яратилди.

Ўн тўққизинчидан, 2023 йилда Саудия Арабистонининг "MOWAN" АЖ ва "SAUDI TABREED" АЖ компаниялари билан меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, 6 та хорижий ташкилотлар мурожаатлар кўриб чиқилиб, мурожаатчиларга тушунтиришлар ва жавоб хатлари берилди. Хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган жами 4 та хорижий делегацияларга ҳамроҳлик қилинди ҳамда чет эллик фуқаролари, хорижий давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан жами - 20 дан ортиқ халқаро учрашувлар ташкил қилинди.

Хорижий мамлакатларнинг улушли (долевой) қурилиш, соҳа ходимларини баҳолаш ва сертификатлаштириш, сув ва оқова сув хизматлари тарификацияси ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан илғор тажрибаси ўргнилди. Хорижда ўқиши ва стажировка ўташга кўмаклашиш юзасидан хорижий давлатларга жами 11 та хизмат сафарлари ташкил қилиниб, мазкур хизмат сафарларида вазирлик тизимидан 15 нафар ходимларнинг иштироки таъминланди.